

юзланиб, шундай деди: «(Охиратга) ғамлайдиган энг яхши амалимиз – «Лаа илааха иллаллох, Муҳаммадур Расулуллох» деб гувоҳлик беришдир.

Ҳаётимда учта босқич бўлди. Эсимда, Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламни мендан кўра қаттиқроқ ёмон кўрадиган одам йўқ эди, имкон топсаму у зотни ўлдирсам, дердим. Ўша ҳолатда ўлсам, аниқ дўзах аҳлидан бўлардим.

Аллох қалбимга Исломни солгач, Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига бордим. «Қўлингизни узатинг, сизга байъат берай», дедим. У зот қўлларини узатган эдилар, мен қўлимни тортиб олдим. **«Сенга нима бўлди, эй Амр?»** дедилар. «Шарт қўймоқчиман», дедим. **«Нимани шарт қўясан?»** дедилар. «Мағфират қилинишимни», дедим. У зот: **«Билмасмидинг, Ислом ўзидан олдин бўлиб ўтган ишларни йўқ қилиб юборади, ҳижрат ҳам ўзидан олдин бўлиб ўтган ишларни йўқ қилиб юборади, ҳаж ҳам ўзидан олдин бўлиб ўтган ишларни йўқ қилиб юборади»**, дедилар. Шундан сўнг мен учун Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламдан суюклироқ, у зотдан улуғроқ инсон қолмади. Ҳурматим баландлигидан у зотга тикилиб қарашга ботина олмас эдим. Агар мендан у зотни сифатлаб беришни сўрашса, сифатлаб бера олмасдим, чунки у зотга тик қарамаган эдим. Агар ўша ҳолатда ўлсам, жаннат аҳлидан бўламан деб умид қилсам бўларди.

Сўнгра шундай ишларнинг бошида бўлдикки, улар хусусида ҳолим не кечишини билмайман. Мен ўлсам, орқамдан ҳеч ким йиғламасин ҳам, олов ҳам ёқмасин. Мени дафн қилгач, устимга яхшилаб тупроқ тортинглар. Сўнгра бир туяни сўйиб, гўштини тақсимлагунча муддат қабрим атрофида туринглар, токи сизлар билан таскинланиб турай, Роббимнинг элчиларига нима деб жавоб беришимни ўйлаб олай».

Имом Муслим ривояти.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

